

---

## ҚУВАСОЙ ШАХРИДА ХАЙИРЛИ ИШЛАР УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ТАШКИЛ ЭТИЛМОҚДА

Коронавирус пандемияси бутун дунё бўйлаб ёйилган бир пайтда, халқимизнинг дардига эш бўлиб хизмат қилаётганларнинг меҳнатларига тасаннолар айтиш лозим. Мана шундай синовли кунларимизда Фарғона вилоятининг Қувасой шаҳрида ҳам, хайирли ишлар уюшқоқлик билан ташкил этилмоқда.

Карантин пайтида аҳолининг оғирини енгил қилиш ва ортиқча оворагарчиликка чек қўйиш мақсадида, Қувасой шаҳар ҳокимлиги ва сектор раҳбарлари маҳаллаларда арзон нархдаги озиқ-овқат ва дори-дармон маҳсулотлари кўчма савдосини ташкил этиб келмоқда

Бугун шаҳримизнинг “Янги обод” маҳалла фуқаролари йиғининг гузарида ташкил этилган навбатдаги савдо ярмаркаси бўлиб ўтди. Ярмаркада “Янги обод” маҳалласи билан бирга унга яқин ҳудуд бўлган қўшни “Қалача”, “Арсиф” маҳалласи фуқаролари ҳам ташриф буюриб ўзларининг кундалик эҳтиёжлари учун зарур бўлган маҳсулотлардан харит қилдилар.

Ушбу кўчма-савдо ярмаркасига шаҳримизнинг кўплаб тадбиркор ҳамда фермер хўжаликлари жалб этилиб, ярмаркада арзонлаштирилган озиқ-овқат, гўшт маҳсулотларидан ташқари бугунги кунда аҳоли учун зарур бўлган дори-дармон, химоя ниқоблари ва антисептик воситалар ҳам келтирилди. Айни пайтда аҳолининг уйида ўтириши билан бирга хонадонидаги томорқасидан унумли фойдаланиши ва вақтини мазмунли сарф этишини инобатга олиб, маҳаллий дехқонлар томонидан помидор, қалампир, бодринг, ва карам кўчатлари ҳам ярмаркага етказиб берилди.

Қайд этиш лозимки, бу каби хайрли ишлардан фуқаролар хурсанд бўлиб, ўй рўзғори учун зарур озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилишди.

Маҳаллий якка тадбиркорлар томонидан кўплаб шакар, макарон, гуруч, ёғ ҳамда хўжалик учун зарурий озиқ-овқат маҳсулотлари ҳам арзонлаштирилган нархларда шаҳримиз аҳолиси учун ташкил этилди.

Ярмаркада қишлоқ хўжалиги ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ҳамда нарх-навоси харидорларга манзур бўлмоқда.

Ушбу ярмаркалар санитария қоидаларига тўлиқ риоя этилган ҳолда ва маҳсулотларни харид қилишда оралиқ масофани сақлаган ҳолда ташкиллаштирилди.

Қувасой шаҳар ҳокимлиги ва сектор раҳбарлари ҳамкорлигида ташкил этилаётган бу каби арзон нархдаги озиқ-овқат маҳсулотлари кўчма савдоси жойларда давом этдирилади.

**Азиз ҳамшаҳарлар! Уйда қолинг! Ўзингиз ва яқинларингизни эҳтиёт қилинг!**

2020-04-18 15:47:32